

**Комилбек ТИЛАКОВ**

# **ЁШЛИК БОГИ**

MAJBURIY NUSXA

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2013

84(59)7 - Ўзб. сюз.

УДК Ўз. 2  
ББК 84 (5Ўзб)-3  
Т 49

**Шеърият бўстонига қадам босаётган ёшларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Бу албатта, кувонарли ҳол.**

**Комилбек ҳам ижод ишига ҳавасманд ёшлардан эди. Педиатр врач сифатида эл назарига туша бошлаган йигит шеъриятнинг ҳам шайдоси эди.**


**Ушбу мўъжазгина тўплам Комилбекдан хотира бўлиб қолди. Унинг орзу-армонлари фарзандлари тимсолида рўёбга чиқишига тилакдошимиз.**

10 40928  
0

T 4702620202-12  
376 (02) 2013 12-2013

© K. Тилаков, 2013 й.

© «Насаф» нашриёти, 2013 й.



## **НАВРҮЗИМ**

Ёмғирларин кутган баҳорим,  
Қишидан келган изҳорим.  
Софинтирдинг, энди қалбинг оч,  
Жажжигинам ўзинг қалдирғоч.

Чуғур – чуғур жонлар овози,  
Минг хаёлнинг минг бир парвози.  
Орзуларга қўшиб ризқ – рўзим,  
Кувонч билан келди наврўзим.

Чумолидан қолган бир буғдой,  
Кўкарибди ердан пойма-пой.  
Шаббодага эгиб бошини,  
Ўчиримоқда тонгги ёшини.

Маржон-маржон бу заррин меҳр,  
Офтобайдан камалак сеҳр.  
Минг бир жило қўшилган кўркам,  
Истиқлол ифори эсмоқда, ўлкам.

Миллатнинг истаги ор-у ғурури,  
Оппоқ туйғулардек эркнинг шукуҳи.  
Ям-яшил заминда ҳайқирган сўзим,  
Кўм-кўк само бизни қутлар, наврўзим.

Алвондек лолалар тўшалиб ерга,  
Хали эрта тонгда ботган соф терга.  
Танида тозадур ўзбекнинг қони,  
Шу тердан топилгай бир бурда нони.

Истиқлол нурида ажинин тоблаб,  
Шукроналар айтиб умрини чоғлаб.  
Нуроний қўлларин очиб дуога,  
Шукроналар қиласар эгам-худога.

Наврўз, бу кунларни кўришни истаб,  
Етмиш йил уч дединг ҳумони қистаб.  
Ҳумо қуши асли достонимизда,  
Оқ лайлаклар учди осмонимизда.

Бир инсон орзуси бўлиб беғубор,  
Фарзандларинг кўрди яна бир баҳор.  
Юртбошимдан олган истиқлол қўзгум,  
Қадаминг қутлуғ бўлсин, наврўзим!

### **ОТА УЧУН**

Мехнат дея қадрини,  
Мард бўл деган арзини,  
Сенга айтган дардини.  
Узиб бори қарзини,  
Бажариб ўз фарзини,  
Шундайин бир заҳматкор,  
Тўйбон ота қайда бор.



## **ОНА УЧУН**

Дона-ю дона анор,  
Мингта донаси ҳам бор.  
Хатто битта жони бор,  
Жонин тўкиб шашқатор.  
Болам дер онаизор,  
Кўзин тикиб зор-у зор.  
Йўлларингга интизор,  
Бўлгин деган шифокор.  
Шундайин бир дил бедор,  
Онаизор қайда бор.  
Тўй оқшоми дилингга,  
Яқин бўлиб кўнглингга.  
Узук тақсан қўлингга,  
Шундайин бир вафодор.  
Келин янгам қайда бор.



## **ВАТАН ГҮЗАЛ, ГҮЗАЛ ҚИШЛОҚ**

Майин шаббоданинг шивир-шивири,  
Баҳор кунларининг илиқ тафтидан.  
Бош эгиб майсалар, маъюс вужуди,  
Ажойиб манзара кўз ўнгимдасан.

Ям- яшил тераклар кўкка бўй чўзган,  
Лола суви жилдирайди шох-ариқларда.  
Мажнунтолнинг кокиллари эгилиб ўсган,  
Ватан гўзал, гўзал қишлоқ қайноқ ҳаётдан.



\* \* \*

Қалбим қишга ўхшайды,  
Қидиргандек қор парчасини.  
Яхши ният сенга ўхшайды,  
Эшит жоним, қуй барчасини.  
Орзуларга безанган учқун,  
Аста шохга құнар беозор.  
Менинг күнглім сенгадир тутқун,  
Қорқизгинам, қилма интизор.  
Юрагимда сенга бор ишонч,  
Қахратон деб қилмагин фараз.  
Тилакларим сенга күп қувонч,  
“Қор йигит”дан бўлиб қолма қарз.



\*\*\*

Ёшлигинг кетидан,  
Ёшларинг ўтиб.  
Улғайиб борарсан,  
Бир манзил кутиб.

\*\*\*

Севгим бўлди бир фалак,  
Менга боқдинг тўлин ой.  
Остонадан пойма-пой,  
Аста қадам қўйдингку,  
Хуш келибсан тўлин ой.



## **ТАҚДИР**

Мени тақдирга бўйсундирган бу ҳаёт,  
Олқишлиб юрагим тан олар бир кун,  
Шу кун келар ишондим тақдир.  
Бутун борлиқ қалбга бўйсунар.

Ҳатто мени тунда қолдирган қуёш,  
Бошим узра бўлар парвона.  
Шунда менинг билагим жўшиб,  
Тоғни уриб талқон қиласди.

Менда борки барча ҳунарим,  
Етмиш қаср барпо қиласди.  
Чеҳрамдаги балқиган қуёш таровати,  
Юсуфдан ҳам гўзал бўлади.

## **УСТОЗНИ ЭСЛАБ**

Шу азиз кошона бағрида юриб,  
Уммон чүққилари сари отилиб.  
Хаёт сирларини үрганиб шахдам,  
Орзулар-ла учардим самога илдам.

Эй устоз, тан олдим сени дунёда,  
Тутаётган чүф эдим, олиб қўлингга.  
Билим чақмоғини чақиб бошимга,  
Истадинг бу чүф бўлса аланга.

Ҳа, сенинг қудратли дунё қалбингдан,  
Матонат-ла қилган меҳнатларингдан.  
Ишонч-ла қараган кўз ўнгимиизда,  
Шатирлаб ёнарди ўчмас бир гулхан..



\* \* \*

Күзларинг маъюс,  
Нигоҳингда куз.  
Тополмай бир сўз,  
Қизарганда юз.

Қалбингда ногоҳ,  
Севгидан огоҳ.  
Ич-ичидан воҳ,  
Тортганингда оҳ.

Севгимиз ҳайрона,  
Қалбингда пинҳона.  
Мен эса девона,  
Ишқингда парвона.

Уялибсан, ор,  
Қалбимиизда бор.  
Айтгин энди ёр,  
Севгингни ошкор.



## **СЕВАМАН**

Мен сени севаман,  
Дарёман тошқин.  
Юрагинг ичидан,  
Оққим келади.  
Мен сени севаман,  
Құшиқман жүшқин.  
Хисларингга ҳар дам,  
Ёққим келади.



## **ОНАМ ҚАДРИ СЕЗИЛМОҚДА**

Онам қадри энди менга сезилмоқда,  
Онам эслаб бағр-у дилим эзилмоқда.  
Онам эслаб хаёлларим бузилмоқда,  
Лек нетайин онажоним күп йирокда.  
Ёнида мен ўйнаб кулдим,  
Шўхлик қилдим,  
Узоклашдим, онам қадрин  
Шунда билдим.  
Қадам ташлаб мен олисга,  
Дуч келдим бир ташна ҳисга.  
Юрагимнинг сўзларига қулоқ солдим,  
Кўп соғиниб онам қадрин шунда билдим.  
Қоғозга мен айтдим нолам,  
Қалбимда кўп дард-у алам.  
Оҳ урсам ҳам сизга бориб етмас нолам,  
Узоқ кетиб қадрингизни билдим онам.



## **ФАҚАТ ЎЗИНГ**

Эрта тонгда,  
Урган бонгда,  
Фикру онгда,  
Фақат ўзинг.

Хаёлим сен,  
Хаётим сен,  
Мамотим сен,  
Фақат ўзинг.

Қаро қўзим,  
Битта сўзим,  
Севган қизим,  
Фақат ўзинг.



## **ЎҒЛИМ ДАВРОНБЕККА**

Давронбек деб исм қўйдим,  
Давру-даврон сурсин деб.  
Келажакда илм олиб,  
Мард ва жасур бўлсин деб.

«Барселона» майдонида,  
Футбол тўпин сурсин деб.  
Оллоҳимнинг паноҳида,  
Порлоқ йўлдан юрсин деб.



## **ОНАЖОНИМ ТОПГАН ҚИЗ**

Асалимсан, жонимсан,  
Ширин -ширин сўзларинг.  
Сеҳрлади қалбимни,  
Учрашганда кўзларинг.  
Гаплашамиз тунлари,  
Телефонлар ёнади.  
Эркагинам ой десам,  
Ойдан ҳам қизғонади.  
Ҳаётимнинг мазмуни,  
Сени севиб қолдимку.  
Муҳаббатдан қалбимга,  
Чўғлар сотиб олдимку.  
Ибо билан ор билан,  
Хурмат қилиб дейди "сиз".  
Жонга ёқар сўзлари,  
Онажоним топган қиз.  
Сиғмай кетсам кўкларга,  
Парвозим кузатади.  
Чақирганда лаббай деб,  
Бўсалар узатади.  
Аразласа жонгинам,  
Рашқ сирини очади.  
Нурлари кўп офтоб ҳам,  
Уфқ томон қочади.

\* \* \*

Жоним сен олисда,  
Мендан-да йирок.  
Мен эса ёнаман,  
Үртайди фироқ.

\* \* \*


Майли эртак бўлсин,  
Минг бир кечалар.  
Майли ўрнак бўлсин,  
Бизга нечалар.

## ОРЗУ

Орзу ортидан жоним,  
Сен томон борарман учиб.  
Сени севиб ўтар ҳар оним,  
Бағримга отилган оларман қучиб.

Эркам, эркагинам асалим,  
Хаётим, қувончим, ўзингми гулим.  
Биргина айбим, менинг касалим,  
Оғрийверар сенсиз соғинган дилим.

Дунёда сенданда, сўзларингдан-да,  
Ширироқ ҳис топмадим ўзим.  
Мехрга тўлган кўзларингданда,  
Илҳомлар олдим жилолаб сўзим.



## **РОЗИЯГА**

Келгин ёрим, дилинг оч,  
Сайраганда қалдирғоч.  
Юрагимдан бир ҳовуч,  
Мехр олиб ойга уч.  
Ой осмонда порлайди,  
Иккимизни чорлайди.  
Тунда ундан тушган нур,  
Күк қалбини ёритур.  
Шивир-шивир сой оқар,  
Сўзларинг дилга ёқар.  
Соясида ойни сув,  
Тунни ёритган сулув.  
Қоматинг майсадек тик,  
Ҳаяжондан бош эгик.  
Ҳар сўзингда нозинг бор,  
Булбулдек овозинг бор.  
Сўзларимиз бир этак,  
Ишқимиз ширин эртак.  
Шу эртакда ёнма-ён,  
Иккимиздир қаҳрамон.  
Кўзларингда юлдуз бор,  
Ҳар кечамда кундуз бор.  
Киприкларинг бир қатор,  
Ҳар торига ўзим ёр.  
Тонг узра кутса қуёш,  
Кипригингда маржон ёш.  
Секин тилдан қоласан,  
Кўп хаёлга толасан.  
Ҳаяжонга вужуд тор,  
Байтимга сўнгги қатор.  
Ишқдан олиб кўп талаб,  
Бўсангдан чанқади лаб.

\* \* \*

Хаёлларим сен томон,  
Шошилади ёнма-ён.  
Борган сари ёнаман,  
Сени күп қизғонаман.  
Қизғалдоғим сен-баҳор,  
Шудринг юзинг бу наҳор.  
Софинчлардан чекин ёр,  
Бұсалардан ол ифор.  
Сўйлайман, дона-дона,  
Минг гўзалдан бир дона.  
Фариштамсан ягона,  
Хурлар ичра дурдона.



\* \* \*

Оллоҳнинг ҳиммати банданинг сўзи,  
Бергувчи олгувчи ягона ўзи.  
Ҳақиқат муқаррар инсон билади,  
Ёлғонни яширса айтади кўзи.  
Кимгадир беради, кимдан олади,  
Ўксиманг, сизга ҳам бериб қолади.  
Юрагида доғ бўлса оллоҳдами айб,  
Ношуд инсон ўзин ўтга солади.  
Оллоҳдан сўрашган ўғил ё қизни,  
Отам денг, онам денг яратган бизни.  
Қўрганда аямай энг ширин сўзни,  
Онамиз алласи тебратган бизни.  
Оллоҳдан тилагин иймон-вижданни,  
Ўз жуфтингни сўра кўриб маконни  
Эртани ўйлагин, топ бурда нонни,  
Инсон қўли яратгай бутун жаҳонни.



\* \* \*

Мен тақдирга асир бўлганда  
Ўзимман деб кўкрак керганда,  
Халқ олқишилаб паноҳ бўлганда,  
Нозик ниҳол, ёнимда бўлгин,  
Бу кунларим унут бўлганда.  
Халқ юрагим дилда тутганда,  
Юртга берай ошим деганда,  
Чин севгимсан, ёнимда бўлгин.  
Омад кулиб баҳтим чопганда,  
Ҳасратларим йўлда қолганда,  
Элим мени одам деганда.  
Гулгун чехра, ёнимда бўлгин,  
Севгисидан сенга бир достон,  
Сўйламоқда дўстинг Комилжон,  
Ишонч керак тақдир йўлида,  
Эй маҳбубам, ёнимда бўлгин.  
Ҳаяжондан хурпайса юрак,  
Ўзингни тут, эй нозик билак,  
Севгим учун бир сўзинг керак,  
Қалбим ошиқ, ёнимда бўлгин.  
Юрак ўйноқлади ожиз қалбимда,  
Севги изтироби бағрим ёқмоқда,  
Бу сўзлардан бўлма ранжида,  
Сарвиқомат, ёнимда бўлгин.  
Нигоҳларни лол этган чехра,  
Уятидан қизарган лола.  
Илк севгимсан-эй суюкли ёр,  
Бор вужудим, ёнимда бўлгин.

\* \* \*

Яна яйрар чанқоқ бу дилим,  
Меҳринг құмсағ равондир тилим.  
Илкингдан бир тутганда құлим,  
Менга ётдир құрқинчли ўлим.  
Ол-олақол оппоқ дарёдан,  
Оққан сув бу яхши күн учун.  
Кел келақол аччиқ дунёдан,  
Йиққан жон бу күздаги учқун.  
Ишонмагин ишқни туймасдан,  
Ёр излама ёрни суймасдан.  
Қучоғингга бағрин қўймасдан,  
Дўст қидирма шароб қўймасдан.



## **МУНДАРИЖА**

Наврүзим.....	3
Ота учун.....	4
Она учун.....	5
Ватан гүзал, гүзал қишлоқ.....	6
Қалбим қишига ўхшайды.....	7
Ёшлигинг кетидан.....	8
Севгим бўлди бир фалак.....	8
Тақдир .....	9
Устозни эслаб .....	10
Кўзларинг маъюс .....	11
Севаман .....	12
Онам қадри сезилмоқда .....	13
Фақат ўзинг .....	14
Ўғлим Давронбекка.....	15
Онажоним топган қиз .....	16
Жоним сен олисда .....	17
Майли эртак бўлсин .....	17
Орзу.....	17
Розияга .....	18
Хаёлларим сен томон .....	19
Оллоҳнинг ҳиммати банданинг сўзи .....	20
Мен тақдирга асир бўлганда .....	21
Яна яйрар чанқоқ бу дилим .....	22

## **АДАБИЙ - БАДИЙ НАШР**

**Комилбек ТИЛАКОВ**

### **ЁШЛИК БОГИ**

Шеърлар

Муҳаррир:	Ю. Зиёдов.
Техник муҳаррир:	Ч. Раҳмонов.
Мусаҳҳих:	Ю. Зиёдов.
Саҳифаловчи:	Ш. Холмуродова.

Нашриёт лицензия № AI 139, 27.04. 2009 йил. Теришга 30.12.2012 йилда берилди. Босишга 08.02.2013 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108<sub>1/32</sub>. Офсет қоғози. Pragmatic Uz гарнитураси. Офсет усулда чоп этилди. Шартли босма табоби 1,26. Нашр босма табоби 0,48. 119-2012-шартнома. 8-буюртма. 150 нусхада. 24 бет. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-үй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.  
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси,  
22-үй.